

Ю 26186  
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ

Ю 26186  
0

Чўл

ОХАНГЛАРИ



2001-997





Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ

# ЧЎЛ ОҲАНГЛАРИ

Шеърлар

«Зарафшон» нашриёти  
Самарқанд — 1999

Фармон ХУДОИБЕРДИЕВ

ЧУЛ ОҲАНГЛАРИ

Шеърлар  
«Зарафшон» нашриёти, Самарқанд, 1999.  
30 бет.

Шеърят кимларни ўзига шайдо қилмай-  
ди дейсиз. У ҳаммани ўйлатади, йиғлатади, куй-  
латади. Фармон Худойбердиевнинг шеърларини  
ўқиркансиз, гоҳ ўйланасиз, гоҳ қўшилиб куй-  
лайсиз. Деҳқон қўли фақат кетмон эмас, қалам  
ушлашга ҳам қодир эканлигига амин бўласиз.

26186

0

© Ф. Худойбердиев, 1999.

104, 0/0, 997, DK

## БУСТОН

Минг йилларга гувоҳ бу чўллар,  
Асрларким эзганди дўллар.  
Қарга, зоғлар макони бўлган,  
Ҳатто тушга кирмаган кўллар.

Ҳурлик тонгин шамоли эсди,  
Ғарибликнинг илдин кесди.  
Саҳролардан дарёлар оқиб,  
Осмонўпар чинорлар ўсди.

Бунда булбул айлайди макон,  
Гул кўпайди, қуриди тикон,  
Зар кокилни тўшайди қуёш,  
Чўллар узра яралди бўстон.

## ГУРУРИМ

Оғир юкин елкамга ордим —  
Ғаримселлар танобин тортдим.  
Буюк Турон сарҳадларида  
Гул ундириб, савобга ботдим.

Кексаликни унутиб қўйдим  
Юртим, жамолингни мен сўйдим.  
Парча ерни зардек авайлаб,  
Элим, бугун гуруринг тўйдим.

## ЧУЛ ЗАВҚИ

Узлягимни ўзлаб турибман,  
Тор чўққисин кўзлаб турибман.  
Қоядаги бинафша гулга  
Дил қатларим сўзлаб турибман.

Кузатишни қўймадим-да мен,  
Чўл завқидан тўймадим-да мен,  
Саратонда тандирдай чўллар  
Қуёшидан куймадим-да мен.

Чўққи узра турар бир лочин,  
Парвоз истаб ёзар қулочин.  
Шалолалар куй бўлиб оқар,  
Қуёш боқиб, тарайди сочин.

## ЧУЛҚУВАР

Қаламкашлар, менаи кулмангиз,  
Гўр экан, деб ўтдай юлмангиз.  
Чўлқуварнинг ашъорлари бу,  
Мевасидан афсус қилмангиз.



У ҳам бир кун ҳосил беради,  
Ҳосилидан маржон теради.  
Қўнглим тоза ҳаёт гулидай,  
Қўшиқларим кезиб юради,

Она юртим, содиқ болангман,  
Тоғда ўсган қирмиз лолангман.  
Қўрк қўшсайдим сенинг ҳуснингга,  
Ипакдайин майин толангман.

Лочинлар ҳам менга ўрганди,  
Шеър битганим улар кўрганди.  
Тизилишиб қушлар булоқда,  
Қуйларимни тинглаб турганди.

Буни ҳаёт қўшиғи дерлар,  
Тинглаб ором олади ерлар.  
Ҳурлик, шодлик нурдай чамбарчас,  
Туронимга тўёпа шеърлар.

## ЛОЧИНИНГМАН

Она Ватан — Ўзбекистоним,  
Осмонимда нуру зиё сен.  
Яшнаб турган боғу бўстоним,  
Қалбим аро меҳриғиё сен.

Томирингда қон бўлиб оқдим,  
Юрагингда жон бўлиб оқдим.  
Саҳроларда чаман яратиб,  
Лочин каби қанотим қоқдим.

Вужудимга олов берасан,  
Дил қатимдан маржон терасан.  
Қиёси йўқ она диёрим,  
Жаҳон аро кўкрак керасан.

Ўзбекистон, дилда боримсан,  
Виждошимсан, номус, оримсан.  
Юрак торим мавжида ўзинг,  
Қалб тўрида гул баҳоримсан.

Лочинингман, Ўзбекистоним,  
Бўстонингда шеър бўлиб оқдим.  
Сен ўзингсан мангу достошим,  
Гул юзингга дил бўлиб боқдим.

### БУҒДОЙЗОРДА

Қомбайнлар юрар лорсиллаб,  
Синиб кетар баъзан қарсиллаб.  
Саратонга бардош беролмай,  
Олов чиқар гоҳо чарсиллаб.

Қум, тупроқлар гўски ёнар,  
Бутун жонзот нурлардан қонар.  
Бошоқларни елпийди еллар,  
Олтин денгиз, кўзлар қувонар.

Аҳён-аҳён қирғий учади,  
Қирдан-қирга ўқдай кўчади.  
Офтоб менинг юзимни ювиб,  
Бошларимни ўшиб қучади.

Ғаллазор — бу мисли бир денгиз,  
Тўлқин отар, мавжлар тенгсиз.  
Бугдой ўрар комбайн тинмай,  
Уюлади хирмонлар чексиз.

## ГУЛ ҚУЧОҚЛАБ

Пахта, ғалла — менинг сирдошим,  
Кеча-кундуз содиқ сафдошим.  
Чўллар олар дарду гамимни,  
Тогдай юксак, пўлат бардошим.

Олти ўзини ёшим қоралар,  
Далаларни кўнглим оралар.  
Оҳудайни унқурман бугун,  
Шалодадай кўним таралар.

Осмон менга кулиб қарайди,  
Сочларимни еллар тарайди.  
Куйламоққа даъват этгандай  
Тонгда булбут ёниб сайрайди.

Саратонда оловдек ёндим,  
Меҳнатимдан, меҳримдан қондим.  
Чўллар аро бургутдай учиб,  
Қаро ният йўллардан тондим.

Ҳовуз қазиб, макол қураман,  
Ҳаёт гаштин гулдай сураман.  
Келажакка, авлодларимга,  
Атиргўллар элиб бораман.

## ЮРТ УГЛОНИ

Чўл бағрида битилди шеърлар,  
Маржон мисол жимирлар терлар.  
Юксалади галла хирмони,  
Ҳосил йиғар Алпомиш эрлар.

Пўлат издан ҳаёт оқади,  
Ҳурлик гулдай кулиб боқади  
Саҳроларда учган лочиндай  
Ашъорларим қанот қоқади.

Нурдай ўткир кўзларим менинг,  
Олмосдайин сўзларим менинг.  
Тоғлар таъзим айлайди бу дам,  
Бутун ризқу рўзларим менинг.

Саҳроларда саркор бўламан.  
Қирқ йиғитга сардор бўламан.  
Бугун мен ҳам озод элимнинг  
Хизматига даркор бўламан.

## БАХТИМ ТОНГИ

Неча йиллар гулдайини сўлиб,  
Юрак-бағринг қонларга тўлиб,  
Уз тилингда сўзлаб олмадинг,  
Ёғий турди устингдан кулиб.

Бугун элнинг посбони ўзинг,  
Қувончингдан чақнайди кўзинг.  
Адолатнинг сзини чаласан,  
Қиличдайин ўткирдир сўзинг.

Тошлоқ ердан унмоқда гуллар,  
Чекинмоқда биёбон, чўллар.  
Учар оплоқ қушлар чарх уриб,  
Ойна янглиғ мавжланар кўллар.

Юрагимни бахш этдим сенга,  
Наво бердинг, истиқлол меңга.  
Куй илҳомин дилга соласан,  
Бахтим тонги бўлиб қоласан.

## ГУЛЛАР ТЕРАМАН

Ҳаёт—уммон, улкан тегирмон,  
Ўз домига тортаман дейди.  
Шиддатига чидай олмасанг,  
Ғамлар тошин ортаман дейди.

Ҳаёт борки курашмоқ даркор,  
Жон берасан, бўласан саркор.  
Кучли бўлса ортингда карвон,  
Йўлга дадил бошлайди сарбон.

Озини қувонч тулпори учун  
Қўрсатасан ақлининг кучини.  
Арсатда, гафлатда қолсанг,  
Енголмайсан ёғиллар ўчини.

Оппоқ қордай истиқлол гули,  
Бўстон бўлди бидай ҳар чўли.  
Қўлга торим оламан хушхол,  
Мен — чаманинг сайроқ булбули.

## БОҒБОНМАН

Шеър сзамаи мен тик оёқда,  
Суянмайман қўлтиқ таёққа.  
Ертўлалар кошона бўлди,  
Бўз ер очдим, нолиш қаёқда.

Дам олишга болиш қаёқда,  
Уйга кетиб қолиш қаёқда,  
Тоғлар билан бўйланганим бизан,  
Чарчаб, ҳориб, толиш қаёқда.

Ватаи дедим, сндим бир умр,  
Пешонамда ярқирайди нур.  
Ўзбекистон мадҳини кўлаб,  
Сўзларимдан сочилади дур.

Тер тўкаман олтини ёшимда,  
Элим дарди турар бошимда.  
Бўзтўрғайлар, бургут, лочинлар  
Илдам чорлаб турар қошимда.

Кекса боғбон бўлиб қолдим мен,  
Гул қалбига қулоқ солдим мен.  
Ўзбегимнинг деҳқон куйчиси,  
Ҳаёт созини қўлга олдим мен.

## ШЕЪР ЕЗАМАН

Қирқ йил учқур тулпорни мипдим,  
Гул баргидан шароб ичдим мен.  
Шеър дарёси Зарафшон бўлса,  
Яйраб-яйраб дарё кечдим мен.

Шону шуҳрат, юксак амаллар,  
Шоҳсупалар бўлган тамаллар  
Шеърларимнинг бир сатричамас,  
Ижодимни этмас қамаллар.

Бугдой ўрсам, қўлимда қалам,  
Шеърга мавзу бўлмоқда далам.  
Осмоиўпар «олтин» йнгамиз,  
Тогларга бу қилмоқда алам.

Мен инсонман, бобо деҳқонман,  
Гул ўлка-чун бағри вулқонман.  
Ижодимда-Турон туйғуси,  
Қалдирғочдай покиза жонман.

## МАВСУМ

Кузда экдик бугдой донини,  
Униб чиқди бахмалдай бўлиб.  
Нур эмади кўкка талпиниб,  
Чанқалади денгизлай тўлиб.

Баҳор келди, жимирлаб ёмғир  
Дурларини ерга сочмоқда.  
Булутларнинг кўз ёши билан  
Бугдойзорлар чирой очмоқда.

Оқ қор лайлак келди чўлларга,  
Мўл ҳосилнинг элчиси бўлиб.  
Тоғдай улкан хирмон йиғамиз,  
Бугдойлардан омборлар тўлиб.

Қузда эккан бир дона бугдой  
Етмиш икки гавҳар бўлади.  
Бир илдиздан олтмиш тун бошоқ,  
Элининг дастурхони тўлади.

Истиқлолнинг олтин тўйини  
Безаб турар ўзбекининг пони.  
Довруғини ёяр оламга,  
Жавоҳирдай терган ҳар дони.

## САВР

«Савр кирди, экинларга давр кирди».  
Халқ мақоли.

Савр кирди, момақалдироқ —  
Осмон бағрини тешиб юборди.  
Ғаллазорини чунон айланиб,  
Қалавадай эшиб юборди.



Булут кўкда чимматин ёйиб,  
Мудом офтоб юзини тўсар,  
Дўллар қамчи ўйнатиб бир-бир  
Экинларнинг баргини узар.

Табиатнинг шўх қилиқлари  
Кўзимизни мошдай очади.  
Баландпарвоз бўлмагин, дея  
Бошимиздан ҳикмат сочади.

Қиличдайини ярақлар яшин,  
Шамол тарар боғу роғларни.  
Акс эттирар она табиат  
Нурга чўмган олтин чоғларини.

Бутун борлиқ гулдай очилди,  
Енг шимариб кирибди савр.  
Дўстлар, юринг, дала кезайлик,  
Экинларга кирибди давр.

## ТАЪЗИМ

Муштоқ бўлиб, шонли истиқлол,  
Остонамга қўйдим бошимни.  
Севинчимдан тошади юрак,  
Тиёлмайман қувонч ёшимни.

Туронимда лочин бўлиб уч,  
Фазоларни парвоз этиб қуч.  
Кўзларимнинг нурисан ўзинг,  
Сўзларимнинг дурисан ўзинг.

Қафас ичра боғлар керакмас,  
Маҳобатли тоғлар керакмас.  
Бўйин эгиб яшаб ўтгулик,  
Тутқиндаги чоғлар керакмас.

Хурлик нима, шунқорлар билсин,  
Озод юртнинг байроғин илсин.  
Боши ерга теккунича то  
Бахтли кунга таъзимлар қилсин.

Аждодларнинг руҳи бизга ёр,  
Бу кунларга етмаганлар бор.  
Фарёд чекиб ўтди нечалар,  
Дунё эди кўзларига тор.

Истиқлолим, муаззам тоғсан,  
Борлиқ узра гуллаган боғсан.  
Еруғ дунё тургунча сўнма,  
Жон озиғим яшнаган чоғсан.

Меҳрим жўшиб қабоғларимдан,  
Думалади икки томчи ёш.  
Мовий кўкда хумо қуш каби,  
Зиё сочиб порлади қуёш.

## НОМОЗШОМГУЛ

Номозшомгул, сирларингни айт,  
Сенга атаб тўқийман бир байт.  
Қуёш билан уришганмисан?  
Ё нур билан суришганмисан?

Офтоб чиқса оламини безаб,  
Чамаизору лоламини безаб.  
Ол юзинга чиммат тортасан,  
Ғам тошини дарҳол ортасан.

Офтоб муҳаббатинг олдами,  
Нурларидан кўзинг толдим.  
Ё севгингга учқун эмасми,  
Ишқинг ўти шомда қолдим.

Сирларингни сувларга айтгин,  
Номозшомда ишқ бўлиб қайтгин.  
Тун ошиғи танҳо юлдузсан,  
Ишқ жомидай сен тўлиб қайтгин.

## ПАРВОЗГА ЧОРЛАР

Сутдай оипоқ меннинг йўлларим,  
Кенг оламга етар қўлларим.  
Иқболимни тараннум этар,  
Гулзор аро шўх булбулларим.

Кенг фазони ёриб учадн,  
Оқ кабутар кўкни қучади.  
Обод элда озод қушман деб,  
Ойга туҳфа либос бичади.

Зарафшоним ҳайқириб оқар,  
Мавжи билан дилларни ёқар.  
Оқ кокилни кумушдай сочиб,  
Турон узра суқланиб боқар.

Куй авжида жараиҗлар торлар,  
Эримоқда асрий губорлар.  
Истиқлолим қуёшдай балқиб,  
Келажакка парвозга чорлар.

## ҚУЙЛАРИМ БОР

Ҳаёт ўзинг сирли тўфонсан,  
Гирдобингда бўламан ҳалак.  
Дулдулларинг ўтдай асовдир,  
Қамчи урсанг титрайди фалак.

Тегирмонга ташлайсан мени,  
Бутун чиқсам лол бўп қоласан,  
Қалбим торин синамоқ бўлиб,  
Гоҳ ёндириб, қасос оласан.

Дил ўртаган қўшиқларим бор,  
Тутқун бўлсам икки олам тор.  
Уриб турса кўксимда юрак,  
Соз чаламан туйиб ифтихор.

## ОНАЖОНИМ!

Онажоним, сизсиз гадоман,  
Сувсиз балиқ каби адоман.  
Туғу—қунлар ҳаснимда Сиз,  
Бу даргоҳда сўнмас садоман.

Қирчиллама қирқ бир ёшимда,  
Тоғ қулади меннинг бошимга.  
Онажоним кўзин юмдилар,  
Парво қилмай дарё ёшимга.

Наҳрипайда йўллар қуардим,  
Чарақлаган юлдуз уардим.  
Саҳроларда дарёлар қазиб,  
Чўл бағрига сувни буардим.

Наврўз кунин, гуллар очилган,  
Олам узра нурлар сочилган.  
Келинчакдай безанган Ўлкам,  
Бошимиздан дурлар сочилган.

Қиригим-ла ер ҳайдар эдим,  
Тишларим-ла тош терар эдим.  
Тошлоқ ерда гуллар ундириб,  
Ватанимга бол берар эдим.

Шу алпозда ўтди бутун кун,  
Уйга қайтдим қоп-қоронғу тун.  
Не кўз билан кўрай, эй фалак,  
Волидам йўқ, бағримда тутун.

Тонгда кўрган Онажоним йўқ,  
Меҳрибоним, жонажоним йўқ.  
Ичларимни ит тирнар ҳамон,  
Қон бўи оққан танда жоним йўқ.

1998 O. B. ... DK 17  
998

Видолашини насиб этмади,  
Ноаларим таугрим этмади.  
Мен танҳони, бешафқат фалак,  
Оҳу-зорим олиб кетмади.

Тик ҳайкалдай қотиб қолдим ё,  
Болиш бўлиб ётиб қолдим ё,  
Киприklarим наштардай қилиб,  
Юрагимга отиб қолдим ё.

Жойингизни жаннатдан этсин,  
Урган оҳим оллоҳга етсин.  
Шеърларимдан бахмал тўқийман,  
Ором олишг, ғуборим кетсин.

Онажоним, Сизсиз гадоман.  
Сувсиз баллиқ каби адоман.  
Туну кунлар хаёлимда Сиз,  
Бу даргоҳда сўнмас садоман .

Ҳар кун ошноқ тонг бўлиб бордим,  
Юрак урган боиғ бўлиб бордим.  
Мозорингни кўзимга суртиб,  
Ақлим чўғи, онг бўлиб бордим.

Она, дейман, селдай йнглайман,  
Олмосдайин қалбим тнглайман.  
Бошим узра нурли офтобсан,  
Номниг тилдан канда қилмайман.

Парча этга жон берган ўзинг,  
Қалб тўрида жаранглар сўзинг.  
Руҳинг мени қувватлаб турар,  
Балолардан асрайди кўзинг.

Оҳ, Онажон, ҳаёт экаман,  
Юрагимга гурур соласан,  
Таңдо ўғлинг Камол қалбида,  
Қуеш янглиғ порлаб қоласан.

## ОНА

Она борки, олам гўзалдир.  
Она борки, болам гўзалдир.  
Чўл ўрнида бўстон яралиб,  
Яшнаб турган долам гўзалдир.

Кулса кўнгли гулдайин ёнар,  
Ҳар инсонки меҳридан қонар.  
Бутун олам ҳар кун илк саҳар,  
Унинг номин айтиб уйғонар.

Қалби уммон мисоли жўшар,  
Табнатга кўрк—ҳусн қўшар.  
Офтоб янглиғ тафт ила порлаб,  
Атиргулдан поёндоз тушар.

Алла айтса булбул бўлар лол,  
Тилларидан томиб турар бол.  
Тўли ойдай чеҳраси гулгун,  
Пешонасин силайди иқбол.

## ЮРТИМ

Ўлим тилаб, кафан бичдилар,  
Аза тутмай, шароб ичдилар.  
Узунқулоқ гаплар тарқатиб,  
Лойқа сувни чунон кечдилар.

Ғолиб каби тулпор миндилар,  
Тинмай туриб бир он тиндилар.  
Лочиндаини парвозим кўриб,  
Сопол каби чил-чил синдилар.

Она Турон, юлдузим ўзинг,  
Мангу ёруғ кундузим ўзинг.  
Мен бағрингда озод булбулман,  
Шўх-шўх кўним, бол сўзим ўзинг.

## ҲУРЛИК ЙЎЛИ

Қатта йўлга бўлдим равона.  
Изларим ой кузатиб борар.  
Бошим узра мисли парвона.  
Қадамларим тузатиб борар,

Манзилимиз бўлсада йироқ,  
Ҳурлик йўли кўрмасин фироқ.  
Бахтимизга тўлни ой гувоҳ,  
Мангу ёнсин қалбларда чироқ.



## ЮРАК

Қиёсласанг олам садҳига,  
Шудринг каби митти бу юрак.  
Ҳар он турар берган аҳдида,  
Борлиққа кўз тутди бу юрак.

Юрак—шабнам каби мусаффо,  
Осмошимдек кўзни олади  
Бунча гўзал, бунча дилрабо,  
Борлиқ узра қувонч солади.

Шабнам узра чексиз осмон бор,  
Юрак тонса, дунё бўлар тор,  
Булбул мисол чертса торини,  
Чеҳраларда очилар баҳор.

## ЗАРАФШОН

Зарафшоним! Зар оқар ундан,  
Жилоланар офтобдан, нурдан.  
Табиатга ҳаёт бахш этар,  
Вужудини қиздирар кундан.

Ҳасимликлар томирида қон,  
Шу дарёдан оладилар жон.  
Далаларга зар кокил тўшар,  
Баҳра олар яшарган Турон.

Ҳавосидан симира боғлар,  
Гул очади гулча дудоғлар.  
Дарё мавжин севиб қолгандай,  
Кўз узмайди кўкўпар тоғлар.

Азим тоғлар кўз ёшларидан,  
Бошланади оқ қошларидан  
Севги бўлиб оқар Зарафшон,  
Билмам, кечар не бошларидан.

## БАХТЛИ ИНСОН

(Қадрдон дўстим Эсонга бағишлайман)

Минглаб дўстнинг камлик қилади,  
Битта душман бағринг тилади.  
Тириклайини ўтда куйдириб,  
Олтин бошинг дорга илади.

Дўстли йигит бахтли инсондир,  
Кўли баланд, тахтли инсондир.  
Нешонаси ойдек ярқираб,  
Ўз сўзида аҳдли инсондир.

Бахтли инсон, дўстнинг мўл бўлсин,  
Оқ кўнгилсан, ризқнинг мўл бўлсин.  
Риё кўрмам душманимга ҳам,  
Кадамнингдан чаман, гул унсин.

## ОМОН ДЎСТИМГА

Жон дўстимсан, ягонаам, Омон,  
Талпинди юрак сен томон.  
Бола эдик, бобо ҳам бўлдик,  
Иккимизни улғайтди замон.

Чинор каби илдиз ҳам қўйдинг,  
Бахт жомидан қониқиб тўйдинг.  
Фарҳод каби эл хизматида,  
Туронини жондаини сўйдинг.

Турнақатор набиралар бор,  
Гул уймаса жаҳон бўлар тор.  
Шалоладай чарх уриб кулсанг,  
Қалбинг аро очилар баҳор.

Лочин кўзинг юлдузни кўзлар,  
Эгуликдан кўп маъно сўзлар.  
Фақат тинма, қаридим дема,  
Юз ёшингда кўргин наврўзлар.

## АЛИШЕРГА

Алишер деб номингни қўйдим,  
Навойни дилимда тўйдим.  
Ҳар сония сен бериб илҳом,  
Шеър жомидан симириб тўйдим.

Тилинг бийрон, мисли булбулдай,  
Юзинг ёнар қирмизи гулдай.  
Қора кўзинг юлдуздай чақнар,  
Норлаб турар чарогон йўлдай.

Кўнгил розинг илгаб турибман,  
Қалбинг чўғни чулгаб турибман.  
Зарафшондек қайнаб тошинг,  
Орзуингга илҳақ турибман.

Бобо, деган тилларинг ширин,  
Нурафшон эт юртинг тақдирин.  
Навоийдек «Хамса» бунёд эт,  
Равшан этар кўзларнинг нурын.

Алишерим, ўнгла созингни,  
Тинглаб турай шўх овозингни.  
Ўзбекистон мадҳини куйла,  
Жаҳон тинглаз дилда розингни.

## НАСИҲАТ

Кенжатоғим, жоним Фарҳодим,  
Юрагимда қоним, Фарҳодим.  
Сен гурурим-кўксим кераман,  
Шеърларимдан маржон тераман.

Кўзим бўлиб дунёни кўргин,  
Сўзим бўлиб оламни сўргин.  
Турон узра машъал бўлиб ён,  
Ўзим бўлиб қуёшдай тургин.

Ақлим бұлиб оймомани ол,  
Зеҳним бұлиб, фаҳрим бұлиб қол.  
Чўлқуварман саҳроларда мен,  
Тўлқин отғин садоларда сен.

Отанг босган бу қақроқ чўллар  
Бўстон бұлиб, унади гуллар.  
Фарҳод номинг Фарҳодай тутғин,  
Сени айтиб сайрар булбуллар.

Ёлғизлигим билдирма мени,  
Қуёшим деб атадим сени.  
Шоир кўнгли гулдайин нозик,  
Нигоҳингдан оламан озик.

Дарёларнинг ўзанларин бур,  
Чўл ўрнида Фармонобод қур.  
Халқим билан елкадош бұлиб,  
Кўксинг кериб Чинор каби тур.

## ТАҚАББУРГА

Ўпишардинг қучоғинг очиб,  
Энди зимдан тишинг қайрайсан.  
Илон каби заҳрингни сочиб,  
Ўз ишингдан ўзинг яйрайсан.

Жаҳолатдан кўзларингда қон,  
Азоб чўғин дилимга босгин.  
Ёмонлик қил, санчиб тур тикон,  
Мени газаб дорига осгин.

Совуқ шамол раво кўрмайман,  
Кўксим тилиб оҳлар урмайман.  
Ғам чексам ҳам отган ўқингдан,  
Бошим ёйдек эгиб турмайман.

## ТУЯРМИ

Олтин рангли буғдойзорлар кўп,  
Гала-гала чумчуқ учар хўп.  
Қир устида битта кўктира,  
Елга дейди қанотимни ўп.

Майна қурғур шумлик қилгандай,  
Фақат ўзин доно билгандай.  
Чўқиб қўяр у кўктирани,  
Юрак бағрин худди тилгандай.

Қарич ерда ер талашади,  
Кўз-кўзига чўп қадашади.  
Поёни йўқ чўл етмагандай,  
Жой талашиб, жанг қилишади.

Ҳатто кўзлар бир-бирин ўяр,  
Яхшиямки бурун чек қўяр.  
Бу оламда яшарки жонзот,  
Мол-дунёдан қай куни тўяр.

## ШЕЪР ИШҚИ

Атроф сокин, ором олар пайт,  
Мен-чи фақат бедор юраман.  
Қаён учди уйқу қушлари,  
Кўкка боқиб ҳаёл сураман:

— Бу офтобнинг нурими,  
Ё сўзларнинг дурими,  
Шалолалар мавжими,  
Шўх яллалар авжими,  
Шўълали оӣ юзими,  
Севгимнинг кўзими?

Нима ўзи? Қандай муҳаббат,  
Тунлар бедор айлаган нарса.  
Эй воҳ, ажаб, шеър ишқи экан  
Дилим ипсиз бойлаган нарса.

## ИЛК КИТОБИМ

Эллик етти етук ёшимда,  
Қалдирғочдай учди китобим.  
Порлаб турар қуёш бошимда,  
Қўлимда ҳам жажжи офтобим.

Кенг жаҳонни сигдира олди,  
Шабнам каби митти юрагим.  
Олам-олам қувончлар солди,  
Ушалмоқда орзу-тилагим.

Кўкда учган оқ кабутардек,  
Самоларга юрагим учар.  
Мисли малак, шаҳло дилбардек,  
Илк китобчам меҳр-ла қучар.





## МУНДАРИЖА

Бўстон	3
Ғурурим	3
Чўл завқи	4
Чўлқувар	4
Лочинингман	5
Бугдойзорда	6
Гул қучоқлаб	7
Юрт ўғлони	8
Бахтим тонги	8
Гуллар	9
Богбонман	10
Шеър ёзаман	11
Мавсум	11
Савр	12
Таъзим	13
Номозиномгул	14
Парвозга чорлар	15
Қўйларим бор	16
Онажоним	16
Она	19
Юртим	20
Хурлик йўли	20
Юрак	21
Зарафшон	21
Бахтли инсон	22
Омон дўстимга	23
Алишерга	23
Насиҳат	24
Такаббурга	25
Тўярми	26
Шеър ишқи	27
Илк китобим	27

Адабий-бадний нашр  
Фармон ХУДОИБЕРДИЕВ

ЧУЛ ОҶАНГЛАРИ

Шеърлар

«Зарафшон» нашриёти, Самарқанд, 1999,  
30 бет.

Нашриёт директори **Ғ. Икромов**  
Муҳаррир **У. Рўзиев**  
Мусаввир **Ш. Эргашев**  
Мусаҳҳиҳ **Қ. Омонов**

Теришга 10.XI.99 й. берилди 2.12.99 босишга  
рухсат этилди. Қогоз ўлчами 60×84 1/32. Шарт-  
ли босма табоғи 2.0. 2260-буюртма. Адади  
1000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Зарафшон» нашриёти, 703000, Самарқанд  
шаҳри, Амир Темури кўчаси, 12.

Самарқанд вилоят босмаҳонасида босилди.  
У. Турсунов кўчаси, 82.











100c